КПСС XXVII СЪЕЗДИ ВА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 70 (8560). ● 9 апрель, 1985 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## *Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони*

### ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини амалга оширишда, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганлиги учун ва 60 йиллиги муносабати билан **Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси** **О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари** **Л. БЕККУЛЬБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1985 йил 5 апрель.

# М. С. ГОРБАЧЕВ «ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ РЕДАКТОРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

**Савол:** газетамиз совет кишиларидан ҳам, чет эллардан ҳам халқаро ишлар хусусида кўп хат олмоқда. Михаил Сергеевич, Сиз халқаро вазиятни қандай таърифлайсиз?

**Жавоб:** одамларнинг халқаро ишларга қизиқиши ортиб бораётганлиги сабабини тушуниб турибман. Ҳамма қитъалардаги кенг халқ оммаси ҳозирги дунёнинг тақдирига актив таъсир қилишга интилмоқда.

Бу — тасодифий ҳол эмас. Дунёда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам социал характердаги мураккаб проблемалар жуда кўп. Бир-бирига зид бўлган икки ижтимоий система — социализм ва капитализм реал равишда яшаб турибди. Халқаро майдонда ўз тарихига, анъаналарига, ўз манфаатларига эга бўлган ўнлаб янги давлат актив иш кўрмоқда. Бу ҳам реалликдир.

Ҳозирги дунёда халқаро муносабатларни қуришда буни эътиборга олмасдан бўлмайди, бошқа давлатларнинг манфаатларини назардан четда қолдириб бўлмайди, айниқса уларни ўз ривожланиш йўлини танлаш ҳуқуқидан маҳрум этишга уриниб бўлмайди. Кенг маънода олганда тинч-тотув яшаш сиёсати ҳам мана шундан иборат, тинч-тотув яшаш шароитида ҳар бир система ўзининг нақадар яхшилигини қурол кучи билан эмас, балки намуна кучи билан исботлайди.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш зарурлиги эса бошқа бир худди шундай актуал хулосадир. Халқаро вазиятнинг ривожи ҳозир шундай маррага етиб келдики, энди: хўш, бундан буён қаёққа қараб бориш керак, давлатларнинг сиёсатини белгиловчи арбоблар бирдам тўхтаб, ўйлаб кўрадиган ва дунёни ядровий фалокат сари судровчи қарорлар қабул этилишига йўл қўйилмайдиган пайт келмадимикан? — деган савол пайдо бўлмоқда.

Мулоқотни йўлга қўйишда, дунёдаги кескинликни юмшатадиган, қуролланиш пойгасининг йўлини тўсишга кўмаклашадиган реалистик қарорларга келиш йўлларини қидиришда халқаро ҳамкорлик қилиш эҳтиёжи ўткир бўлиб турибди.

Бу ишда катта ва кичик ҳамма давлатлар қатнашишлари керак. Ядровий давлатлар ва аввало Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари алоҳида роль ўйнашлари лозимлиги равшан.

Бизнинг мамлакатимиз тинчликни мустаҳкамлаш йўлида актив ва амалий ташқи сиёсат ўтказиб келди ва бундан буён ҳам шу сиёсатни ўтказаверади. Бу нарса КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида тасдиқланди, унда Совет давлатининг ташқи сиёсий принциплари баён этиб берилди.

**Савол:** дунёдаги кўп ишлар Совет-Америка муносабатларининг ҳолати билан боғлиқ деб ҳисобланмоқда. Сизнинг фикрингизча, бу муносабатларни яхшилик сари ўзгартириш имкониятлари пайдо бўлдими?

**Жавоб:** СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар — халқаро сиёсатнинг ғоят муҳим омилидир. Аммо биз дунёга асло фақат шу муносабатлар таъсири остидагина қарамаймиз. Биз бошқа мамлакатларнинг халқаро ишлардаги салмоғи қандайлигини тушунамиз, дунёдаги умумий вазиятни баҳолашда шуни эътиборга оламиз.

Ҳозир Совет-Америка муносабатларида яхшилик сари ўзгариш борми? Бу саволга жўн жавоб бериб бўлмайди. Умид қилиш учун баъзи нишоналар бўлса ҳам, аммо ҳамон ташвиш туғдирадиган бирталай ва ҳатто кўп сабаблар бор.

Женевада ядровий ва космик қуроллар юзасидан янги Совет-Америка музокаралари бошланди. Бу — ижобий факт. Биз АҚШ билан биргаликда музокараларнинг мавзуи ва мақсадларини белгилаб олдик, қисқа қилиб айтганда бу мавзу ва мақсадларни: космосда қуролланиш пойгасини бошламаслик, ердаги шундай пойгани тўхтатиш, ядро қуролларини тубдан қисқартиришга киришиш, бу қуролларни батамом йўқ қилиб ташлашни пировард мақсад қилиб олиш деган маънода белгиладик.

Энди шу аҳдномани рўёбга чиқариш керак. Бу — муҳим музокаралардир. Бу ҳақда гапираётганимнинг боиси аввало шундан иборатки, ҳозир Совет-Америка муносабатларининг ривожи ва умуман дунёдаги ривожланиш энди қай йўлдан бориши ҳал этилмоқда. Икки йўлдан бирини танлаб олиш керак, ё ҳамма жабҳалар бўйлаб қуролланиш пойгаси, уруш хавфининг кучайиши давом эттирилади ёки ялпи хавфсизлик мустаҳкамланади, ҳамма учун янада мустаҳкам тинчлик таъминланади.

Совет-Америка муносабатларининг бошқа соҳаларида бир мунча силжишлар бўлса ҳам, бироқ булар жуда оз силжишлардир. Умуман муносабатлар кескинлигича турибди.

Вашингтондагилар кучга умид боғламоқдалар, буни яшираётганлари ҳам йўқ. Боғлаганда ҳам дунёнинг қолган қисмини Америкага бўйсундираётган устун кучга умид боғламоқдалар. У ерда дипломатия ва музокаралар ракета ва бомбардимончи самолётларга тобе қилиб қўйилган. Женевада АҚШ номидан музокаралар ўтказаётган кишилар ҳам стратегик қуролларнинг янги программаларини конгрессда тасдиқлатиб олишга интилаётганликлари факт-ку, ахир.

АҚШ маъмурияти эълон қилган «самовий урушлар» режалари ҳақида ҳамма кўп нарса эшитган. Бу ибора гўё илмий ривоятдан олинган, унинг панасида еримиз учун солинаётган реал, даҳшатли хавф-хатарни яширишга уринмоқдалар. Космосни ҳарбийлаштиришни асослаш учун кўрсатилаётган важларни мен ривоят деган бўлур эдим. Мудофаа ҳақида гапириб, ҳужумга тайёргарлик кўрмоқдалар, космик қалқонни кўз-кўз қилиб, аслида космик қилични қайрамоқдалар, ядро қуролини тугатишни ваъда қилиб, амалда бу қуролни кўпайтирмоқдалар, такомиллаштирмоқдалар. Дунёда барқарорлик ўрнатмоқчимиз, деб айтмоқдалару, аммо ҳарбий мувозанатни бузишга интилмоқдалар.

Одамлар «самовий урушлар» режаларининг хавфини жуда яхши ҳис этаётганликлари сабабли бу режаларни тузган кимсалар гўё гап беозор илмий изланишлар ҳақида бормоқда, бу изланишлар гўё технология соҳасида наф келтиради, деган гапга ишонишга мажбур қилмоқчи бўладилар. Шу тузоқни ишга солиб, ўз иттифоқчиларини ҳам хатарли машмашада қатнаштиришни кўзламоқдалар.

Ҳатто космик қуролни вужудга келтириш орқали гўё ядро қуролини тугатишга эришиш мумкин, деб даъво қилмоқдалар. Бу — алдамчилик усули. Ядро қуролининг пайдо бўлиши оддий турдаги қуролни тугатмай, балки ҳам ядровий, ҳам оддий қуроллар билан қуролланиш пойгасини жадаллаштиришгагина олиб боргани каби космик қуролнинг вужудга келтирилиши ҳам бир нарсага олиб бориши мумкин. — қуролланиш пойғаси янада жадаллашади, янги-янги соҳаларни ўз ичига олади.

Мен Совет — Америка муносабатларини биринчи галда чигаллаштираётган, вақти-вақти билан бу муносабатларни қалтис кескинлик ёқасига олиб бориб қўяётган жиҳатларни алоҳида ажратиб кўрсатдим. АҚШдаги баъзи кимсалар бу ҳолатни нормал бир ҳолат деб билиб, муҳолифликни сал бўлмаса табиий аҳвол деб ҳисоблаётганга ўхшайдилар.

Биз бундай деб ҳисобламаймиз. Мухолифлик-муносабатларимизнинг туғма иллати эмас. Менимча бу — нонормал ҳолат. Бу ҳолат сақланиши асло муқаррар эмас. Биз Совет — Америка муносабатларини яхшилашни жуда зарур ишгина эмас, шу билан бирга имкони бўлган иш деб ҳам ҳисоблаймиз. Ўзаро хоҳиш бўлмаса, бунга эришиб бўлмайди, албатта.

**Савол:** Сизнинг АҚШ президенти билан учрашишингиз эҳтимоли тўғрисидаги масала катта қизиқиш туғдирмоқда. Бунда қандай истиқболлар бор?

**Жавоб:** бундай учрашув тўғрисидаги масала президент Рейган билан ёзишмамизда тилга олинган эди. Иккала томон учрашув бўлиши хусусида ижобий фикр билдирди, деб айта оламан. Уни ўтказиш муддати ва жойи келгусида келишиб олинади.

Ёзишмада СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилашга эришишнинг, бу муносабатларга бир мунча барқарор ва амалий характер бахш этишга эришишнинг биргаликдаги йўлларини топиш ҳақида кенгроқ миқёсда гап юритилган эди. Юксак сиёсий даражадаги Совет — Америка муносабатларига жиддий омил бахш этиш лозимлигига аминман. Биз СССР ва АҚШ сиёсатининг йўллари душманлик ва ўзаро курашга эмас, балки ҳамжиҳатлик йўлларини излашга, тинч ривожланишга қаратилганлигини ҳамма — халқларимиз, бошқа мамлакатлар кўриб турадиган тарзда иш олиб боришни АҚШ ҳукуматига таклиф қиламиз.

**Савол:** Михаил Сергеевич, кенг жабҳа бўйлаб ҳаракат қилиш лозимлиги Сиз айтган гаплардан кўриниб турибди. Шундай бўлса ҳам, Сиз тузукроқ бурилиш учун нималарни асосий восита деб ҳисоблайсиз?

**Жавоб:** ўзаро жадал куч-ғайрат сарфлашни шундай восита деб ҳисоблайман. Сарфлаганда ҳам дарҳақиқат кенг жабҳа бўйлаб куч-ғайрат сарфламоқ керак. Дунёдаги низоли вазиятларни бартараф этишга кўмаклашиш зарурлиги хусусидаги ўзаро ҳамжиҳатлик икки ўртадаги муносабатларга ва халқаро муносабатларга хайрли таъсир қилган бўлур эди. СССР билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда иккала мамлакатга фойдали тарзда ҳам кўп иш қилиш мумкин.

Бинобарин, сиз асосий восита деб тилга олган нарсаларнинг ҳаммаси хавфсизлик соҳасига киради. Бу ишни конкрет равишда нимадан бошламоқ керак?

Модомики, қурол-яроғларни қисқартириш ҳақида келишиб олиш учун стол атрофига тўпланилган экан, лоақал бу қурол-яроғларни кўпайтирмай туриш керак. Шу сабабли биз СССР билан АҚШ музокаралар ўтказаётган бутун давр мобайнида зарбдор космик қуролларни яратишни, шу жумладан бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини, шу қуролларни синаш ва жойлаштиришни тўхтатиб туришларини, ўзларининг стратегик ҳужум қуролларини кўпайтирмасликларини таклиф қиламиз. Айни бир вақтда Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган ракеталарни жойлаштириш ва шунга мувофиқ равишда, бизнинг жавоб чораларимизни кучайтириш тўхтатилиши керак.

Америка раҳбарлари қурол-яроғларни тубдан қисқартириш тарафдори эканликларини айтмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, аввал қуролланиш пойғасини тўхтатиш ва дарҳол уларни қисқартиршга ўтиш мантиқий иш бўлур эди.

Биз — ҳалол мулоқот тарафдоримиз. Ўзимизнинг холис ниятимизни яна намойиш этишга тайёрмиз. Шу кундан эътиборан Совет Иттифоқи Европада ўзининг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини жойлаштиришни тўхтатиб қўйишини, бошқа жавоб чораларини амалга оширишни тўхтатишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўртача олисликка учириладиган ракеталаримизни жойлаштиришни тўхтатиш ҳақидаги қароримиз шу йилнинг ноябригача амал қилади. Шундан кейин биз қандай қарорга келишимиз АҚШнинг биздан намуна олиши ёки олмаслигига: У Европада ўзининг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини жойлаштиришни тўхтатиб қўйиши ёки тўхтатмаслигига боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб шундай демоқчиман. Совет — Америка муносабатларини яхшилаш учун, умумий халқаро вазиятни соғломлаштириш учун имкониятлар бор. Бу имкониятларни қўлдан чиқармаслик керак. Бу имкониятларни конкрет сиёсат, амалий қарорлар йўлига солиб юбориш лозим.

**20 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ**

## ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати фабрика ва филиалларида ленинча коммунистик шанбалик ҳисобига ишлаб бериш бошланди. Айрим фабрикалар, цехлар, филиаллар коллективлари шанбаликни ўтказдилар. Чунки 20 апрель — комбинатнинг кўпчилик бўлимларида оддий иш куни бўлади, шунинг учун тўқимачилар ўзларининг меҳнат байрамини ўтказиш графигини тузиб чиқдилар. Тўқувчилар, ип ўровчилар, йигирувчилар ва бошқа касб эгалари дам олиш кунлари навбати билан иш жойларига чиқмоқдалар.

Шанбалик самарали ўтиши учун ҳамма фабрика ва филиалларда штаблар тузилди. «Қизил шанбалик»да қилинадиган иш ҳажми унинг иштирокчиларига аниқ белгилаб берилди. Масалан, 2-фабрика коллективи 18 тонна калава, 133 минг метр хом сурп тўқиб чиқарадилар. Шу куни улар жами 140 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайдилар. Ип-йигирув фабрикаси ишчилари эса 10 тонна калава ва ками билан миллион ғалтак ип ишлаб чиқариш мажбуриятини олганлар.

Комбинатда ҳаммаси бўлиб, 850 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жумладан 46 тонна калава, 400 минг погон метр хом сурп тайёрланади. 750 минг метр тайёр газламага гул босилади. Ишлаб чиқаришдан тушган 30 минг сўм маблағ ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги куни комбинатга уруш ва меҳнат ветеранлари, мактаб ўқувчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентлари таклиф қилинади. Улар шу куни тўқимачилар билан ёнма-ён туриб беш йилликнинг якунловчи йилида комбинат коллективи зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

**А. ГЕХТЛЯР,**
**«Тўқимачилар овози» газетасининг масъул котиби.**

## ИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ТОШКЕНТ сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида шанбалик куни бажариладиган ишлар белгилаб олинди. Барча еттита бўлинмада шу куни 450 тонна сут ва сут маҳсулотлари тайёрланиб меҳнаткашлар дастурхонига етказиб берилади. Ишлаб чиқаришда банд бўлмаган ишчи-хизматчилар ободонлаштириш, корпусларни ремонт қилиш билан шуғулланадилар. Бунинг учун меҳнат анжомлари тайёрлаб қўйилмоқда. Жумладан, ремонт ишлари учун лак-бўёқлар, оҳак, челак, кетмон, белкураклар етарли миқдорда тахт қилинди. Шанбаликда уч минг дарахт оқланади, беш минг гул кўчатининг таги юмшатилади, 800 погон метр ариқ-зовур тозаланади.

— Барча корхоналарда шанбаликнинг зўр уюшқоқлик ва унумли меҳнат билан ўтиши учун ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилди, — дейди бирлашма партия ташкилоти секретари, шанбалик ўтказиш штаби бошлиғи Лидия Земская. — У бизда ҳақиқий меҳнат байрами сифатида нишонланади. Ҳар бир корхонада эрта саҳардан карнай-сурнайлар, духовой оркестрлар садолари ишчи-хизматчиларни меҳнат қўйнига чорлайди. Кун бўйи корхоналар узра радиокарнайларда дилрабо куй ва қўшиқлар янграб туради, бу эса шанбаликда қатнашаётган ҳар бир кишининг юқори унум билан ишлашига ёрдам беради.

Меҳнат байрамида шунингдек юзлаб туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар ўтқазилади. 15 тонна атрофида металлолом парчаси йиғилади.

**А. ҒУЛОМОВ.**

## 20 ТОННА ТОЛА ТАЙЁРЛАНАДИ

ОҚҚЎРҒОН пахта тозалаш заводи ишчилари коммунистик шанбалик уюшқоқлик ва юқори меҳнат унуми билан ўтиши учун тайёргарлик ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Улар ҳашарда оддий иш кунларидагига нисбатан анча кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутишмоқда.

Коммунистик меҳнат байрамида 200 нафарга яқин ишчи-хизматчи иштирок этади. Уларнинг ярмидан кўпроғи иш жойларида бўлишади, 85 киши ободонлаштириш ишлари, металлолом йиғиш билан шуғулланадилар.

Шу куни корхонада 20 тонна тола, 30 тонна чигит, олти тонна момиқ ишлаб чиқарилади. Завод территорияси ва ён-атрофига 2500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади.

Заводнинг Энвер Сафаров, Ришат Асановлар мастер бўлган сменаси ишчилари топшириқни икки баравардан бажаришни мўлжаллаб туришибди. Тушган иш ҳақининг ҳаммаси беш йиллик фондига ўтказилади.

**А. МУСТАФОЕВ.**

## Тошкент шаҳар партия комитети пленуми

8 апрель куни Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. КПСС Марказий Комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларининг талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров доклад қилди. **(ЎзТАГ).**

# ТУҒИЛГАН КУНИНГ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ!

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи 60 ёшга тўлди. 6 апрель куни Тошкентда шу воқеага бағишлаб Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг тантанали пленуми бўлди. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлар дўстлиги саройининг байрамона безатилган залига саксонинчи йилларнинг комсомоллари билан бирга партия ветеранлари, дастлабки комсомоллар, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари, қардош республикалардан келган меҳмонлар тўпланишди.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан тантанали пленумнинг фахрий президиумига сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевга сўз берилади.

Сизларнинг пленумингиз, дейди у, мамлакатда КПСС XXVII съездига, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига актив тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда ўтмоқда. Бу эса ҳамма ишларимиз ва ташаббусларимизга алоҳида сиёсий маъно бахш этади. Совет халқи Ленин партиясининг улуғ ишига астойдил садоқатини, унинг сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлашини ўзининг фидокорона меҳнати билан намойиш қилмоқда. Партия — В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «Барча меҳнаткашларнинг устози, раҳбари, йўлбошчиси» бўла оладиган ҳақиқий авангард эканини халқимиз ўзининг бутун ҳаёт тажрибаси давомида билиб келмоқда.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон ёшлари, меҳнаткашлари ҳам КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини бажонидил қўллаб-қувватламоқдалар, КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари март Пленумининг ўртоқ М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайлаш тўғрисидаги қарорини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ўртага қўйган вазифаларнинг миқёслари кенг, мақсадлари жуда юксакдир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун барча совет кишилари жамият бахт-саодати йўлида зўр ғайрат билан ижодий ишлашлари, виждонан меҳнат қилишлари керак бўлади. Бу гап партия ва халққа садоқат билан хизмат қилишга тайёрлигини ўз ишлари, салмоқли амалий натижалари билан тасдиқлаши лозим бўлган комсомолларга, ёшларга ҳам тааллуқли эканлиги табиий.

Республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқларига, партия Марказий Комитети март Пленумининг кўрсатмаларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларига амал қилиб, меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоатини ва социал активлигини ҳар томонлама оширмоқда, талабчанликни кучайтирмоқда, интизомни мустаҳкамламоқда, кадрлар билан ишлашни яхшиламоқда.

Бу эса ўз самараларини бермоқда. Хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим соҳаларида ижобий натижаларга эришилди. Якунловчи йил ва умуман беш йиллик планлари ҳамда мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун кўп иш қилинмоқда. Ҳамиша бўлганидек, бу ишларга ажойиб ёшларимиз, улуғ Ленин номини ифтихор ва шараф билан оқлаётган республика комсомоли салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

ВЛКСМнинг бутун тарихи Владимир Ильич Ленин номи билан, унинг мангу барҳаёт таълимоти билан боғланган. Комсомол партиянинг фарзандидир, Советлар мамлакатининг жанговар ёшлигидир. Партия ўзининг ишончли, жанговар резерви бўлган комсомолни доимо меҳрибонлик билан тарбиялаб ўстирди, чиниқтирди.

Республика комсомолининг олтмиш йиллик йўлини Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг тарихидан ажратиб бўлмайди. Комсомол ўз камолотининг ҳамма босқичларида партия йўлидан борди, коллективлаштириш ва индустриялаш, социалистик жамият қуриш йилларида унинг актив ёрдамчиси бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида комсомоллар кўрсатган ватанпарварлик, мардлик, Ватанга бениҳоя садоқат намуналари халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Ўзбекистоннинг 220 минг комсомоли ёки республика комсомол ташкилотининг 65 проценти фронтга кетди. Ёш ватанпарварлар, фронтчиларнинг ўғил ва қизлари уруш йилларида ўз оталарининг ўрнини олдилар. Уруш даврининг қийин шароитларида, ёлчиб овқатланмаган ва тўйиб ухлай олмаган даврларда улар завод ва фабрикаларда, қурилиш ва пахтазорларда фидокорона меҳнат қилдилар, ғалаба учун мамлакат ичкарисида замин тайёрладилар. Кўчириб келтирилган минглаб оилаларни комсомоллар иссиқ бағирларига олдилар.

Ўзбекистон ёшлари урушдан кейинги йилларда ҳам фидокорлик ва меҳнат қаҳрамонлиги намунасини кўрсатдилар. Йигит ва қизлар янги саноат марказларини барпо этишда, Фарҳод ГЭСини, ноёб Бухоро—Урал, Ўрта Осиё—Марказ газ қувурларини қуришда, қўриқ ерларни ўзлаштиришда актив қатнашдилар.

В. И. Лениннинг комсомол III съездида сўзлаган нутқида коммунизмни ўрганиш ҳақида ёшларга қилган тарихий васияти ҳозирги шароитда янада кўпроқ актуаллик касб этмоқда. Ёшларни коммунистик ғоявийлик, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ишончли ёрдамчиси ва бевосита жанговар резерви бўлиш — комсомол фаолиятининг олий маъносидир.

КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида Лениннинг коммунистик ёшлар союзининг роли тўғрисидаги таълимоти ривожланган социализмни такомиллаштириш даврида янада ижодий равишда ривожлантирилди. Мана шу муҳим умумпартиявий ҳужжатда хўжалик ва маданий қурилиш, янги инсонни тарбиялаб вояга етказишнинг барча соҳаларида ВЛКСМнинг ҳозирги шароитдаги фаолияти яхлит программаси баён этиб берилган.

Партия ўртага қўйган кенг миқёсли янги вазифалар комсомол комитетларидан иш услуби, форма ва методларини, бутун ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштиришни, хўжалик ва давлат қурилишидаги роли ва масъулиятини оширишни, кадрларни ва активларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда тарбиялашни яхшилашни талаб қилади.

(Давоми 2-бетда).

*Ҳар бир иш жойида юксак меҳнат интизомига эришайлик*

## НАЗОРАТ КУЧАЙДИ

БУ ЙИЛ колхозда 319 гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Шу кунгача 192 гектар ерга эртанги экинлар экиб қўйилди. Тажрибали деҳқонларнинг тадбиркорлик билан иш юритишлари натижасида 146 гектар майдонга сепилган пиёз бир текис униб чиқиб гуркираб ўсмоқда. 44 гектар ердаги карамга биринчи ишлов бериш тугалланди.

— Беш йилликнинг якунловчи йилида, — дейди Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати А. Абдуҳолиқов, — давлатга 9540 тонна сабзавот, 2520 тонна каноп етказиб бериш мажбуриятини олганмиз. Шубҳасиз, бу мақсадга эришиш учун тартиб-интизомни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашимиз зарур. Яқинда коммунистларнинг умумий йиғилишида бу масалани кўриб чиқдик. Коммунистлар барча меҳнат участкаларида ишнинг боришини назорат қилишни ўз зиммаларига олдилар. Тартиббузарларга қарши курашнинг аниқ режалари тузиб чиқилди. Ҳар бир колхозчининг ўзига топширилган ишни сифатли бажариши қонун қилиб қўйилди. Ишга кечикиб, сабабсиз кетиб қолиш, иш вақтида спиртли ичимликлар ичиш каби ярамас иллатларга барҳам бериш учун кўпчилик бўлиб курашиш ҳақида келишиб олинди ва интизомга риоя қилмовчиларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари ҳам белгиланди. Тартибни бузган одам биринчи марта огоҳлантирилгач, бу ҳол иккинчи маротаба такрорланса, унинг қўшимча иш ҳақидан 10 проценти, учинчи бор содир этилганда эса 20 проценти колхоз ҳисобига чегириб қолинади. Бундан ташқари иш куни минимумини сабабсиз бажармаган колхоз аъзосига ҳам тегишли чора қўлланилади. У йил охирида тўланадиган қўшимча иш ҳақидан маҳрум этилиб, меҳнат отпускалари ҳам бекор қилинади. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган мана шу тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳар бир бригада, ферма, автогараж ва бошқа коллективларда 5 кишидан иборат назоратчилар группаси тузилди.

Бундан ташқари хўжаликнинг барча меҳнат коллективларида махсус дафтар таъсис этилган бўлиб, унда колхозчиларнинг ишга келиб-кетиш вақти қайд этиб борилади. Тартиб-интизом қоидаларига қандай амал қилинаётганлиги ва бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг натижалари билан мазкур дафтар орқали танишиш мумкин.

Кўрилаётган тадбирларнинг яхши самара бериши аниқ: ҳамма хушёр, сезгир, бир-бирига ҳамкор, назоратчи бўлиб меҳнат қиляпти. Дала ва боғларда иш кун сайин қизимоқда.

**М. ШОЮСУПОВА.**

ТОШКЕНТ химия-фармацевтика заводи эшиклари тонг билан очилди. Ана, ишчилар гурра-гурра цехлар томон ўтиб бормоқдалар. Халқ контроли группаси ва «Комсомол прожектори» штаби назоратчиларидан тузилган махсус комиссия аъзолари эшик олдида туриб ишчиларнинг ҳисобини олишаяпти.

Соат миллари 8 га яқинлашмоқда. Одамлар ҳам сийраклашмоқда. Ишчиларнинг асосий қисми ҳозир ўз иш жойларида. Лекин А. Пак, Д. Охунжонова, Х. Вайсман бугун ишга ярим соат кечикиб келишди. Кейинроқ прогулчилар сони 13 кишига етди. Комиссия аъзолари улардан кечикиши сабабини сўрашди. Лекин прогулчиларнинг баҳоналари ўринсиз эди.

Меҳнат интизомини бузганлардан беш киши ойлик мукофотининг 20 процентидан маҳрум қилинди ва қаттиқ огоҳлантирилди. 8 кишига эса қаттиқ ҳайфсан берилди.

## МУКОФОТДАН МАҲРУМ БЎЛДИ

Тошкент химия-фармацевтика заводи маъмурияти ва партия ташкилотининг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишлаб чиққан тадбирлари ҳар бир ишчи онгига етказилмоқда. Шу тадбирлар асосида кун сайин оммавий рейд ва текширувлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, Тошкент тепловоз ремонти заводида ўтказилган текширув пайтида ҳам 46 кишининг ишга кечикиб келганлиги маълум бўлди. Улардан 5 киши ойлик мукофотдан маҳрум этилди, қолганлари эса қаттиқ огоҳлантирилди.

— Меҳнат интизомининг бузилишига транспорт воситаларининг график бўйича юрмаслиги сабаб бўляпти, деган таъналарни эшитаяпмиз, — дейди Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи В. Загуменов. — Биз буни ҳисобга олиб белгиланган графикларга тўла риоя қилинишини таъминлаш чораларини кўряпмиз. Ой бошида барча цех ва участкаларда партия йиғилишлари ўтказилиб меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқилди.

Эртаси куни эрталаб соат 8 да ўтказилган рейд давомида планда кўрсатилган 327 та трамвайдан 320 таси рейсга чиққанлиги маълум бўлди. «Красновосточное» депосидан 7 та трамвай белгиланган графикдан кечикиб рейсга чиққан эди. Графикни бузган ҳайдовчиларга нисбатан тегишли жазо берилди. Улар ойлик мукофотдан маҳрум бўлишди.

**С. МАТЕҚУБОВ.**

